



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
IN.Y.M

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 9 апрель, № 70 (4480)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 8 апрель
№ УРҚ — 144

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикасининг Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-моддалар; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 9-модда:
қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида оқиқ ҳаво ёки сув бўлишида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегининча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 117-модда:
биринчи қисмининг санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 121-модда:
биринчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки бараваридан тўрт бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 122-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофида қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичидан, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда чекиш, шунингдек таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортда чекиш — энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемаларида чекиш — энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 8 апрель
№ УРҚ — 145

ХОМ АШЁ ҲАМ, МАҲСУЛОТ ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ


Бу кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан нефть-газ соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани самарасидир. Хусусан, ер ости захираларини ўзлаштириш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, замонавий бургулаш ва қазийш технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати кескин ошди.

Модернизация

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Ййгилик-газ» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида ҳозирда эликдан зийд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жамоа аҳли замин қаъридан қазиб олинаётган нефтни қайта ишлаш ҳисобига бир кеча-кундузда 450 тонна «Аи-80» автобензини ва дизель ёнилғисини ишлаб чиқаришга эришапти.

Сиз суратда кўриб турган Митрас Журсуновни ҳамкасблари моҳир оператор сифатида ҳурмат қилишади. Унинг фидойилиги ва ўз касбини пухта эгаллаганлиги мавжуд технологияларнинг аниқ, беҳато ишлашида қўл келмоқда.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.



9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бой тарихимизни, болаларимизнинг маданий-маърифий меросини қайта тиклаш ва асл ҳолига ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА



Бу жараёнда Соҳибқирон Амир Тему́рнинг номини қайта тиклаш, минтақамиз ва жаҳон тарихида тутган ўрнини асл ҳолига ўрганиш ва халқимизга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бундай сайёҳароҳатлар туфайли Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бобоқалонимизнинг улуғвор хайкаллари қад ростлади. Пойтахтимиздаги мустақим Кошона — Темурийлар тарихи давлат музейи нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам сеvimли масканларидан бирига айланди.

Пойтахтдаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг бир гуруҳи фаоллари икки кун давомида Жиззах вилояти бўйлаб қатор маданий тадбирлар ўтказишди.

«БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ!»

Улар дастлаб «Ёшлар маркази»даги учрашув ва «Сумалак сайли»да қатнашишди. Сўнг Жиззах давлат педагогика ҳамда политехника институтлари талабалари музоирати бўлиб, йигит-қизларнинг фан-техника соҳасидаги иланишлари, билим ва дунёқаравлари даражасини намоён этувчи мусобақа ва баҳслар ташкил этишди.

Пойтахтлик йигит-қизларнинг Жиззахда барпо этилаётган «Урда» ёшлар боли билан яқиндан танишуви ҳам мазмунли ўтди. Улар боғдаги қўламазорлаштириш тадбирларига бош қўшиб, кўчат ўтказишди.

«Биз — бир жамоамиз!» деб номланган маъзур акция «Меҳр нури» жамғармасининг хайрия тадбири билан якуланди. Марказ фаоллари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига жамғарманинг совға-саломларини улаштирди.

Бахриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

бўлган интилишининг қунайиши туфайли ўтмишимизнинг барча даврлари, жумладан, Амир Тему́р ва темурийлар даври тарихини ҳам аниқ ва мукаммал тадқиқ этишга киришилди. Бу борада институтимизда сақланаётган манбаларнинг олимларимиз томонидан ўрганилиши баробарида хорижий мамлакатлар қўлэмалар хазинасидаги мавжуд қўлаб асарлар ҳам излаб топилиши ва халқимизга етказилиши фанимиз эришаётган ютуқларимизнинг аниқ шундай сайёҳароҳатлари самараси ўлароқ, Низомиддин Шомиийнинг «Зафарнома» ва Шарифиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Тему́р тарихи» каби ноёб асарлари чуқур тадқиқ этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. «Амир Тему́р жаҳон тарихида» китоби ўзбек, рус, француз ва инглиз тилларида нашр этилди. Институт қўлэмалар хазинасида сақланаётган тарихга оид асарлар ҳақидаги маълумотлар жамланган «Шарқ қўлэмалари каталоги» ҳам бу борада ўзига хос қўламанма бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити (СЕАП)даги нутқи, унда ифода этилган Ўзбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик истикболларига оид баҳо ва Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш борасида билдирган таклифлари хориж сиёсий, эксперт-таҳлил ва дипломатия доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари эътибор марказида турибди.

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА КЕНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИККА ЧОРАЙДИ

Чет эл оммавий ахборот воситалари ва экспертларнинг таъкидлашича, Президент Ислам Каримов сўзлаган нутқ конструктив аҳамият касб этгани ҳолда Бухарест саммити ишига доллар, аниқ ва амалий ҳисса сифатида қўшилди. У мувозанатланган бўлиб, Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида қўлаб қилинган Альянсга аъзо давлатларнинг истак ва интилишларига ҳам оҳангдир.

Ўзбекистон давлати раҳбарининг «БМТ кўмағида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича «6+2» гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёни НАТО иштирокида янги «6+3» шаклида қайта тиклаш» борасидаги ташаббуси кенг шарҳланмоқда. Айнан шу йўл билан, яъни Афғонистонга қўшни давлатларнинг ҳозирга қадар фойдаланилмаган тажриба ва экспертлик билимларини қўллаш учун имконият юзага келган бир пайтда ушбу мамлакатда мав-

жуд узоқ муддатли таҳдидларга чинакамига ечим топиш мумкинлиги қайд этилди. Шу ўринда қўлаб хорижий экспертлар Ўзбекистон Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирок этаётган етакчи давлатлардан бири деб билмоқда.

«Ассоэйтед пресс» ахборот агентлиги (АКШ) Президент И. Каримовнинг «Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун

Марказий Осиё минтақасини барқарор иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омилли эканини яъни англаймиз» деган сўзларини келтириб ўтган.

«Би-би-си мониторинг» (Буюк Британия) шарҳида қуйидагича таъкидланади: «Президент Ислам Каримов Афғонистонда факат ҳарбий йўл

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Буюк Соҳибқирон Амир Тему́р туғилган жой — қадимий Шаҳрисабз шаҳрида «Амир Тему́р ва ўзликни англаш» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, Тошкент Ислам университети профессори Убайдулла Уватов, Халқаро Амир Тему́р жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва бошқаларнинг маърузаларида Амир Тему́рнинг ўзбек давлатчилиги асосларини яраттиҳдаги буюк хизматлари,

бугунги кунда мамлакатимизда тарихий ҳақиқатни тиклаш, маданий меросни ўрганиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида илмий далиллар асосида атрофлича фикр юрилди.

Конференция доирасида «Амир Тему́р Европа элчиси нигоҳида» китобининг тақдимиоти ҳам бўлди.

Бўри НОРҚОВИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ-ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САМАРАСИ



2008 йилнинг биринчи чоригида Вази́рлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми утган йилнинг шу давридагига нисбатан **154,6** фоиз ўсди.

Соҳа корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлаш, модернизациялаш жараёнини изчил давом эттириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизмат турларини кенгайтириш ва ривожлантириш, молия ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган амалий ишлар туфайли ана шундай ийجاب натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

ЖАҲОН 24 соат ичида

Расман инкор этилди

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Олимпиада машғаласини Франциядан ўтиши чоғида ўчириб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотни расман инкор этди.
Гап шундаки, дунёнинг етакчи ахборот агентликлари машғалани Франция буйлаб олиб ўтишда тўрт марта ўчиб қолгани ҳақида хабар тарқатганди.
Эслатиб ўтамиз, Олимпиада машғаласи Эйфель минорасидан 7 апрель куни старт олди.

Радиоактив модда ўғирланди

Япониядаги "Non-Destructive Inspection Co. Ltd" экспорт компанияси идорасидан 192-иридий радиоактив моддаси контейнери билан ўғирлаб кетилди.
Бу ҳақда "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди.
Контейнерда инсон соғлиги учун ўта хавфли бўлган, оғирлиги 22 килограммга тенг икки миллиметрли радиоактив металл бўлаклари мавжудлиги айтилмоқда.
Хозирда Япония Фан-талим вазирлиги аҳолини модда юклаган контейнердан эҳтиёт бўлиш ҳақида огоҳлантирди.

Тайёрлигини билдирди

Кеча Зимбабве Президенти Роберт Мугабе хукумат газетасида расман чиқиш қилди.
"Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, Президент мамлакатни бошқа беғона қўлларга ўтиб қолмаслигини сўраган.
Эслатиб ўтамиз, 29 март куни Президент сайловининг биринчи босқичи бўлиб ўтганди. Расмий натижалар эълон қилинмаган бўлса-да, унда Демократик ўзгаришлар ҳаракатидан номзод Морган Тсвангираи ғолибликни кўлга кiritгани айтилмоқда. Қузатувчилар 84 ёшли Мугабе сайловнинг иккинчи турини ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Жиддий этирозга сабаб бўлди

Буюк Британиянинг "The Guardian" наشري АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кампаниясининг истиқболдаги лойиҳасини чоп этди.
Колгани ҳақида бирор маълумот айтилмапти. Унда Ироқдаги ҳарбий кампания "вақтинчалик" давом эттирилиши айтилган.
Бирок газетада чоп этилган маълумот мутахассисларнинг жиддий этирозларига сабаб бўлди.

Наҳанг ҳужуми

Австралиянинг Баллин шаҳрида кўнгилсиз воқеа содир бўлди.
Қутилмаганда қиргоқ бўйида сёрфинг (сув спорт тури)да машқ қиладиган ўсмирларга наҳанг ҳужум қилди.
"The Sydney Morning Herald" наشري хабарига айтилишича, ҳужум оқибатида 16 ёшли ўсмир жиддий тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳалок бўлди.
Хабарларда келтирилишича, Австралия қирғоқларида дам олувчилар бир йилда ўртача 15 марта наҳанглар хуружига дучор бўлишаркан.

Инвесторлар ва тадбиркорлар диққатига!

2008 йил 25 март куни навбатдан ташқари кредиторлар йиғилишида ЁАЖ «NOBAS-TARO» ҚҚ
мулкый мажмуа сифатида «Кимошди» савдоларига 120 000 000 000 сўм бошланғич нархида чиқарилиши ҳақида қарор қабул қилинди.
Банкрот корхона мол-мулкани савдога қўйиш юзасидан қўшимча тўлиқ маълумотларни
294-56-67, 294-56-68, 155-60-36 телефонлари орқали ёки Тошкент шаҳар, «Паркент» кўчаси, 327-«Б» уй манзилидан олиш мумкин.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ со склада в Ташкенте

сельхозшины Voltyre
○ 15,5-38 (Ф-2АД нс8),
○ 9,00-16 (Я-32АА нс10),
также реализуем
○ солидол жировой;
○ стальной канат d=1,6 мм (ГОСТ 2172-80)
Адрес: г. Ташкент, Ц-5/65.
Тел./факс: 140-02-70, 140-02-71.
E-mail: euroaz@mail.ru
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Мамлакатимизда дастлабки кредит уюшмалари ташкил қилинганига беш йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, қисқа вақт ичида улар жадал суръатлар билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамда аҳолига, айниқса, унинг кам таъминланган қисмига барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга эканликларини исботладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига кўра, ўтган йили кредит уюшмалари юртимиз молия бозорига ўз мавқеларини янада мустаҳкамладилар. Бунга далил сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин: 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, Марказий банк томонидан 55 та кредит уюшмаси рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг умумий активлари 2007 йилда 2,5 маротабага кўпайган ва 48,4 млрд. сўмга етган. Кредит қўйилmalarининг ҳажми йил давомида 2,5 баробарга ортиб, жалб қилинган омонатларнинг ҳажми эса 34,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Бугунги кунга келиб, кредит уюшмаларининг хизматларидан унинг аъзолари бўлган 70 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар фойдаланмоқдалар.
Кредит уюшмаларининг барқарорлиги ва хавфсизлиги ҳамда аҳолининг кредит уюшмалари тизимида бўлган ишонч даражаси бу тизим жадал ривожланишини таъминловчи асосий омиллардир.
Мамлакатимизда кредит уюшмаларининг тўлов қобилиятини ва ликвидлик даражасини қўллаб-қувватлаш, улар аъзоларининг омонатларини хавф-хатардан кафолатлаш каби самарали воситаларни татбиқ этиш орқали тизимни янада ривожлантириш Кредит уюшмалари ассоциацияси ва у томонидан ташкил қилинган «Альянс Гарант» барқарорлаштириш фонди фаолиятининг устувор йўналишидир.
Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, омонатларни кафолатлаш тизими фақат ассоциация аъзолари бўлган, операция фаолияти амалдаги қонунчиликка ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига ҳамда ассоциация томонидан жаҳон андозалари асосида ўрнатилган ишончлилик ва хавфсизлик стандартлари талабларига жавоб берувчи кредит уюшмаларининг аъзолари омонатларига нисбатан қўлланилади.

2008 йил 1 март ҳолатига кўра, республикамизда фақат 11 та, яъни «Ласточка», «Ишонч», «Осиё-Траст», «Авиценна», «Нурафшон», «Мадор», «Инъом», «Фаровон», «Таянч», «Кредо» ва «Ташаббус» кредит уюшмалари мазкур ассоциация ва «Альянс

Ислохот
тишларни минималлаштирган ҳолда омонатчилар маблағларининг тўлиқ ёки қисман қайтарилишини таъминлайди. Кредит уюшмаларининг ушбу тизимда имкон қадар кўпроқ иштирок этиши унинг барқарорлиги ва ишончлигини кўрсатади. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 57та кредит уюшмасидан фақат 11та кредит уюшмасининг омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этиши эса, ассоциациянинг ўз олдига қўйган мақсадларига тўлиқ эришиши учун кифоя эмас, албатта. Табиийки, молия бозорига барқарор ва хавфсиз операция фаолият юритаётган кредит уюшмалари сонининг ортиши кредит уюшмалари тизимининг ишончлиги ва хавфсизлигини таъминловчи асосий омилдир.
2008 йилда ассоциация фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ўз аъзолари омонатларини кафолатлаш билан тизимдаги кредит уюшмаларининг 50 фоизини қамраб олишдир. Омонатларни кафолатлаш тизимининг янада ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши, ўз навбатида, кредит уюшмалари тизимининг ишончлиги ва хавфсизлиги, пировардида республикамиздаги кредит уюшмалари тизимининг барқарорлиги мустаҳкамланишига олиб келади.

МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ

— кредит уюшмалари ўз аъзолари омонатларининг бутлиги ва ҳимояланганлигига кафолат беради

тардан кафолатлаш каби самарали воситаларни татбиқ этиш орқали тизимни янада ривожлантириш Кредит уюшмалари ассоциацияси ва у томонидан ташкил қилинган «Альянс Гарант» барқарорлаштириш фонди фаолиятининг устувор йўналишидир.
Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, омонатларни кафолатлаш тизими фақат ассоциация аъзолари бўлган, операция фаолияти амалдаги қонунчиликка ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига ҳамда ассоциация томонидан жаҳон андозалари асосида ўрнатилган ишончлилик ва хавфсизлик стандартлари талабларига жавоб берувчи кредит уюшмаларининг аъзолари омонатларига нисбатан қўлланилади.

«Гарант» барқарорлаштириш фондининг аъзолари ҳамда омонатларни кафолатлаш тизими иштирокчиларидир.
Ўтган йили биргина «Альянс Гарант» барқарорлаштириш фонди ассоциация аъзолари бўлган кредит уюшмаларининг 22 мингдан ортиқ аъзоларининг умумий миқдори 12,6 млрд. сўмдан ортиқ бўлган омонатларини кафолатлади.
Юқорида қайд этиб ўтилган кредит уюшмаларининг фаолиятини қуйидаги молиявий кўрсаткичлар ҳам яққол ифода қилиш мумкин: ўтган йил натижаларига кўра, уларнинг активлари 20,6 млрд. сўмни ёки кредит уюшмалари тизими бўйича активларнинг 41 фоизини ташкил қилди.
Ассоциация аъзолари бўлган кредит уюшмаларининг молия-

Ассоциацияга аъзо бўлган кредит уюшмалари бошқа кредит уюшмаларига нисбатан ўз аъзоларининг омонатларни йўқолишини кафолатлаш йўли билан ҳимоя қилиш, кредит уюшмасига нисбатан аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш, республикамиз тизимининг ажралмас қисми саналган кредит уюшмалари тизимининг ривожлантиришда ўзининг бевоасита ҳиссасини қўйиш каби устуворликларга эгадирлар.
Аҳоли омонатларини ҳимоялаш тизими уларга ўз жамғармаларини кредит уюшмаларига тўлиқ ишонч билан жойлаштириш имконини беради, чунки янги тизим омонатчиларнинг маблағларини келгусида турли хатарлардан ишончли ҳимоя қила олади, хатарлар юзага келганда эса, мумкин бўлган йўқо-

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЎТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/128/07-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, П. Махмуд кўчаси, 59-уй манзилидаги 4 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган, 708,02 кв. метрни ташкил қилган дўкон ва офис биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 138 345 600 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 13 май куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.
Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоасита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан арзалар савдо бошлангичидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.
Савдода иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган акалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк» и «Тинчлик» филиали, х/р 20210000700571452056, МФО 00580, ИНН 200933850.
Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.
Лицензия DB 001 № 000004.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. «Тиббий радиология» кафедраси — мудир.
 2. «Хирургия ва болалар хирургияси» кафедраси — ассистент.
 3. «Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш» кафедраси — мудир, доцент, 3 та ассистент.
 4. «Наркология ва ўсмирлар психопатологияси» кафедраси — ассистент.
 5. «Ревматология ва нефрология» кафедраси — ассистент.
 6. «Болалар асаб касалликлари» кафедраси — 2 та ассистент.
 7. «Шошилинч тиббий ёрдам» кафедраси — ассистент.
 8. «Нейрореабилитация ва Шарқ тиббиёти» кафедраси — ассистент.
 9. «Онкология» кафедраси — профессор.
 10. «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси — мудир.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, «Паркент» кўчаси, 51-уй.
Маълумот учун телефон: 268-27-54.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
242-хона
232-10-63
E-mail: xalk_soziga@mail.ru

«BAMA BIZNES» МЧЖ
пудрат асосида қурилиш ишларини бажариш учун махсус қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилади.
Тел./факс: 234-58-32.

SONATA Ўз йўлингни танла!
Drive your way
КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Official Partner
Tel. 250-11-11



«ВАЗ-ЛАДА» АВТОСАЛОНИДА
СИЗНИ МУТЛАҚО ЯНГИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КУТМОҚДА
Маҳсулот сертификатланган
ВАЗ-2107
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 2 йил (30.000 км)
ЛАДА-КАЛИНА
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 3 йил (50.000 км)
ВАЗ-21041
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 1 йил (20.000 км)
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 209-уй.
Тел.: 300-59-44, 266-59-44, 266-59-45



МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

(Давоми. Бош 1-бетда).

Айтиш жоизки, XV аср бошларида яшаб юкд этган тарихчи Муъиниддин Натанзий каламига мансуб "Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" асари Амир Темур ва теурийлар даврига оид ноёб манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асар Амир Темур вафотидан етти йил кейин ёзиб тугатилган. Бу манбаининг асосий қисми "Жаҳон адабиёти" журналда чоп этилди. Уни китоб ҳолида нашр этиш ишлари давом этмоқда.

Амир Темурнинг турли давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари нафакат мамлакатимиз тарихчилари ва жамоатчилигимиз, балки жаҳон ахлининг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шу боис ушбу манбаларни асл ҳолича ўрганиш ва оммага етказиш ҳам тадқиқотчиларимизнинг доимий эътиборида. Манбашунос олим Санжар Ғулумовнинг бу борадаги изланишлари маъсули сифатида "Амир Темур ёзишмалари" тўплами нашрга тайёёрланмоқда. Унда Соҳибқирон бобомизнинг турли давлатлар ҳукмдорларига ёзган мактублари ва уларнинг Амир Темурга йўллаган хатлари, мазкур манбаларнинг тарихи ва воқеаларнинг изоҳлари кенг ўрин ажратилган.

Олим ва мутахассисларимиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ақс этган асарлар билан бир қаторда теурийлар даврига оид қўлёзмаларни тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", яъни "Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи" асари — ана шундай манбалардан бири. Унда 1405-1470 йилларда теурийлар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, дипломатик алоқалар ва илм-фан, маданият, санъат тараққиётига оид воқеалар тасвирланади. Ушбу асар ҳам ақин кунларда тўплам шаклида китобхонлар қўлига етиб боради.

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг замондоши, моҳир тарихчи Хондамирнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти тарих ихлосмандларининг доимий эътиборида. Чунки у яратиб қолдирган асарлар теурийлар даври маданияти, санъати, илм-фани ва бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ тасав-

асл ҳолича тадқиқ этиш археология фанининг ҳам муҳим йўналишларидандир. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Шохруҳия қалъаси қолдиқларининг археологларимиз томонидан ўрганилиши ўша давр тарихига оид янги маълумотлар топиш имкониятини яратди.


Амир Темур қайта барпо этган бу қалъада мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан ўтказилган қазималар натижасида қўлпаб кулчилик, мисгарлик, шашасозлик ашёлари топилди. Уларнинг орасида пўлат совут ва дубулга бўлаклари, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳарбий кийим парчалари теурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутуши шубҳасиз. Хусусан, дубулга бўлақларининг таркибида қўлпаб камёб металллар мавжудлиги аниқланди.

Шохруҳия ёдгорлигидан олинган маълумотлар Амир Темур ва теурийлар даврининг тўлиқ ўрганилмаган жиҳатларини очишга хизмат қилмоқда. Чунки ушбу топилмалар Амир Темур давлатининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, мазкур қалъа-шаҳарни барпо этишда усталар қўллаган бунёдкорлик услублари тўғрисида янги маълумотлар беради. Ушбу экспозиция Теурийлар тарихи давлат музейида намойиш этилмоқда.

Айни вақтда шарқшунос, манбашунос ва музейшунос олимларимиз ҳамкорликда Темур ва теурийлар даври манбаларини ўрганиш борасида илмий изланишларни давом эттирмоқдалар.

Бундай тадқиқотлар юртимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожидидаги ўрнини бутун дунё жамоатчилигига кенг намойиш этиш, Амир Темур ва теурийлар даври тарихини асл ҳолича ўрганиш, улғайиб келаятган авлоднинг бой тарихимизга ҳурмат, миллий истиқбол голярига садоқат ва Батанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

ЎЗА МУХБИРИ
Б. ХИДИРОВА
ёзиб олди.



вурларимизни бойитишда муҳим манба ҳисобланади. Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида унинг ана шу йўналишдаги бир неча асари сақланади. Манбашунос олима Дилором Юсупова уларни тадқиқ қилиш асосида "Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди" китобини ўқувчилар қўлига ҳавола этди. Темур ва теурийлар даври тарихини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
2007 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАГИ 03-26-139-СОНЛИ ТОПШИРИҒИГА
МУВОФИҚ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎНЧИЛИК ВА ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ
КОРХОНАЛАРИ УЧУН ИНВЕСТИТОРЛАР ВА БОШҚАРУВЧИ
КОМПАНИЯЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУҲ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ
КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРНИ СЎНДИРИШ ҲИСОБИГА
БАЛАНСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚУЙДАГИ МОЛ-МУЛКИНИ СОТИШ УЧУН
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мол-мулк номи	Қаерда жойлашгани	Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти	Лойиҳавий қуввати
Терини қайта ишлаш ва куртқалар ҳамда дублэнқалар тикиш учун мўлжалланган, Туркияда ишлаб чиқарилган усқуналар, бино ва иншоотлари билан бирга	Наманган вилояти, Қосонсой тумани	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш ҳамда чарм куртқалар ва дублэнқалар тикиш	Қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилга 300,0 мингта, чарм куртқалар ва дублэнқалар тикиш — йилга 50,0 мингта
Терини қайта ишлаш усқуналари, Туркияда ишлаб чиқарилган, бино ва иншоотлари билан бирга	Хоразм вилояти, Шовот тумани, Хитой қўрғони	Қорамол ва қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш	Қорамол терисини қайта ишлаш — йилга 70,0 мингта, қўй-эчкилар терисини қайта ишлаш — йилга 100,0 мингта
Пойабзал ишлаб чиқариш усқуналари, Италияда ишлаб чиқарилган, «Хоразмпойабзали» ОТАЖнинг Урганч филиалига қарашли бино ва иншоотлар билан бирга	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Фаёзов кўчаси, 3-уй	Пойабзал ишлаб чиқариш	Йилга 810.000 жуфт пойабзал
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Усқуналар йўқ	Хоразм вилояти, Гурлан тумани, «Мангит» кўчаси, 5-уй	Пойабзал ишлаб чиқариш	
Пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар. Усқуналар йўқ	Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сараян к/к, 1-бригада	Пойабзал ишлаб чиқариш	

Танловда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган резидент юридик шахслар ва/ёки хорижий қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳамда танлов савдоларида иштирок этиш ёки кўнчилик ва пойабзал саноати соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бундай корхоналарни бошқариш фаолияти билан шўғулланиш тақиқланмаган норезидент юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Даъвогарлик қилувчи корхоналар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари керак, жумладан:

1. Юқорида кўрсатилган мулкнинг мажмуалар (мол-мулк)ни сотиб олишни истовчи инвесторлар қуйдагилар тасдиғини тақдим этишлари зарур:
 - кўнчилик, пойабзал ёки бошқа ишлаб чиқаришдаги иш тажрибаси;
 - илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари;
 - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда корхонани сотиб олиш имконини берувчи барқарор молиявий аҳвол.

2. Танловда қатнашиш истиғини билдирган инвесторлар олдида қуйдаги умумий талаб қўйилади:
 - танлов объектини сотиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин икки ойдан кечикмай ишга киришишга тайёрлик.

3. Қуйдаги корхоналар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:
 - тугатиш ёки банкротлик босқичида турган корхоналар;
 - бюджетга ажратмалар, уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарзи ва банк кредити бўйича муддати ўтган қарзи бор корхоналар.

Даъвогарлар танлов ҳужжатларини, шунингдек, танловни ўтказиш тартиби ва процедураси тўғрисидаги батафсил қўшимча ахборотни 2008 йил 4 апрелдан бошлаб танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунча ҳар кун (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача танлов ташкилотчисининг қуйдаги манзилида олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, 100100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6-уй,
«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Абдуллаева Эркиной.
Телефонлар: 254-65-60, 255-73-34, 255-75-86.

Танлов ташкилотчиси танлов таклифларини қабул қиладиган охириги муддат — 2008 йил 7 май кун соат 18.00 гача.

Танлов таклифлари улар қабул қилиб бўлинганидан кейин 10 кун мобайнида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдори қонун ҳужжатлари мониторинг институти жамоаси гуруҳ раҳбари Шурат Рузиназарова синглиси Нолира РЎЗИНАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг профессори Учкун Нилматжанова ўғли АКМАЛнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Тошкент тиббиёт академияси жамоаси тиббиёт фанлари доктори, «Патология анатомия, нормал ва патология физиология» кафедраси профессори Нусрат АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.	«Берлин-Хими Менарини» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси ваколатхона ходими Ирода Абдуллаева отаси Нусрат АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
--	---	---	--

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 29 мартдан 4 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорини инвестиция воситаси, инвестиция активларини бошқаруви ва инвестиция консултант сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга оид талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 23 февралдаги 299-В, 2008-05-сонли қарори.

2008 йил 2 апрелда 1782-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 12 апрелдан қўлга киритилди).

2. «Айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 51-мх-сонли буйруғи.

2008 йил 2 апрелда 1783-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 12 апрелдан қўлга киритилди).

3. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўланилиши тақиқланган тиббий анжом ва усқуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 91-сонли буйруғи.

2008 йил 4 апрелда 1784-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 апрелдан қўлга киритилди).

4. «Киновидеофаолият билан шўғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия) бериш ва рўйхатга олиш тартибини ўз қўлига йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» «Ўзбекино» миллий агентлиги Бош директорининг 2008 йил 24 мартдаги 42а-сонли буйруғи.

2008 йил 4 апрелда 371-1-сон билан

рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 апрелдан қўлга киритилди):

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Қурилатган корхоналар ва бошқа объектлар дирекцияларини ташкиллаб туриш, шу жумладан, техник назорати учун харажатларни белгилаш тартиби (рўйхат рақами 166, 1995 йил 31 август);

2. Давлат бюджетни маблағлари ва ҳукумат қаролати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланган бино ва иншоотларни капитал таъмирлашнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1063, 2001 йил 14 сентябрь);

3. Давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 52-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. «Киновидеофаолият билан шўғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия) бериш ва рўйхатга олиш тартиби (рўйхат рақами 371, 1997 йил 15 октябрь)». «Ўзбекино» ДАК томонидан тасдиқланган.

Махсус ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Кумқўрғонлик тadbиркор Бахтигул Норматова китоб дўкони очди.

ТАДБИРКОР КИТОБ ДЎКОНИ ОЧДИ

— Бахтигулнинг ҳиммати бошқаларга ҳам ўрнак бўлмоқда, дейди «Сурхондарё» китоб савдоси идораси раҳбари Парда Орипов. — Шу йилнинг

▼ Яхши хабар

Ўзида ҳар бир туманда иккитадан китоб дўкони очиб мўлжалланмоқда. Ҳокимликлардан тортиб тadbиркорлар ва маҳалла фаоллари бу хабарни ишга бош қўлишга азм қилишган. Бундан ташқари, 691 та маҳалла идорасининг ҳар бирида китоб савдоси бурчақларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ориповнинг айтишича, 2007 йилда 60 миллион сўмликдан зиёд ҳажмда китоб савдоси амалга оширилган. Жорий йилда ушбу кўрсаткични бир неча ўн бараварга кўпайтириш назарда тутилган.

Олимжон Усанов, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Урганч шаҳрида 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Ёшлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида йўлланмани қўлга киритиш учун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 315 нафар ёш самбочилар гиламга чиқдилар.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Равадан Тўрақулов, халқаро мусобақаларда голли бўлиб йўлдошев ва бошқа биланга кўчи ёш полонларнинг қатнашганлиги чемпионат баҳслари муро-сасиз ўтишини таъминлади.

Жунда тошкентлик Илҳом Йўлдошев, самарқандлик Руслан Жугаев, хоразмлик Ганжа Рўзметов, Болтабой Болтаев, Даврон Жумание-зовлар голли бўлишди ва ёшлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Осие чемпионатида йўлланмани қўлга киритишди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САРДОР — КИКБОКСИНГ УСТАСИ

Сардор Юсупов Наманган шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида ўқийди.

Спортнинг кикбоксинг тури билан мунтазам шўғулланиб келаятган бу йилгича халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. У жунда Қозғистоннинг Тороз шаҳрида 1994-1997 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги очик биринчиликда майдонга тушди. Аҳамиятлиси, Сардор барча рақибларини маълумиятга урғатиб, очик биринчиликнинг олтин медалини қўлга киритди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ВЕРСАЛЬ

МИР обоев

Ecolife

Российский

линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибонат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — Ф. Сапаев.
Мусавҳах — Х. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.15 Тошхирлиди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7